

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”

Тармоқ маркази директори

_____ О.А.Хасанов

“ _____ ” 2015 йил

**“АКТЁРЛИК САНЪАТИ АСОСЛАРИ” модулидан
ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тузувчилар:
М.Абдуллаева,
О.Дадамирзаев

Тошкент – 2015

МУНДАРИЖА:

- 1.ИШЧИ ДАСТУР
- 2.МАРГУЗА МАТНИ
- 1-МАВЗУ. Актёрлик санъати фанини ўқитиш модернизациялари.
2-МАВЗУ. Замонавий талабдаги машғулотларни яратиш ва олиб бориш меъзонлари.
Машқлар ва этюдлар драматик театр ва кино актёрлиги мактабининг асоси...
- 3-МАВЗУ. Драматик театр ва кино актёрлиги маҳорати унсурларидан тўғри фойдаланиш
- 3.ТАҚДИМОТ
- 4.ТЕСТ САВОЛЛАРИ
- 5.МУТАХАССИС ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ТАРИЗ
6. ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИ

Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик

I. Модулнинг мақсади ва вазифалари

•“Актёрлик санъати” модулининг мақсади: Тингловчиларнинг педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш;

•педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия хақидаги хужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойихалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш, сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганиш;

“Актёрлик санъати” модулининг вазифалари:

- малака оширишга келган тингловчилар ўзларининг талабаларини, амалий ва назарий томондан актёрлик санъатидан боҳабар бўлган, сценография, музика соҳасида даврнинг илғор ғояларини илғаб олган, сахна кўринишлари орқали бадиий ғояни рўёбга чиқара оладиган ижодкор қилиб тайёrlашдан иборат.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқитувчилари малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича намунавий дастурлар асос қилиб олинган.

- Тингловчи актёрлик маҳорати фанларини ўқитишида илғор тажрибалар хақида тасаввурга эга бўлиши керак;

- Саҳнавий асарнинг ҳатти- ҳаракат таҳлиллари хақида тасаввурга эга бўлиши керак;

- А.Кацман, Г.Товstonогов ҳатти-харакат таҳлили услубиятини билиши керак;

- Билимларни амалий ўзлаштира олиши керак.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Фан мазмуни ўқув режадаги биринчи блок ва мутаххасислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди. Модул Актёрлик санъати асослари, Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар, Саҳна ҳаракати ва пластика, Драма назарияси фанлари билан ўзаро боғлиқ.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Ўзбекистон Республикаси санъатининг ҳар қандай тури, айниқса театр санъати, шахснинг камолоти ва инсоний сифатларини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллади. Санъат ва адабиётнинг жамиятдаги муҳим ўрни ва хусусиятларини инобатга олган ҳолда, Республикаиз раҳбарияти санъат соҳасида ёш мутахассисларни малакасини оширишда янада такомиллаштириш юзасидан сўнги йилларда кўплаб муҳим қарорлар қабул қилди. Миллий театр мактаби бу борада қўлга киритган ютуқларини авайлаб-асраб уларга ижодий ёндошган ҳолда, келажакда театр санъатини янада юқори поғоналарга кўтаришга қодир мутахассисларни етиштириб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

“Актёрлик санъати” фанида актёрлик ва режиссёрлик курсларга дарс берувчи профессор-ўқитувчиларни малакасини ошириш ва талабаларни тарбиялашда асосий йўналишлар акс эттирилган. Таълим тизимида юксак малакали, ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга, касбий ва хаётий муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган, янги техника ва технологияларга тез мосланишига лаёқатли кадрлар муҳим аҳамиятга эга.

“Актёрлик санъати” фани дастури Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Актёрлик махорати бўйича дарс берувчи профессор - ўқитувчиларининг малакасини оширишига қаратилган.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим			
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			жумладан				
			жумладан							
			Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот					
1.	Актёрлик санъати асослари фанини ўқитиш модернизациялари.		2							
2	Замонавий талабдаги машғулотларни яратиш ва олиб бориш мезонлари.		2							
2.	Машқлар ва этюдлар драматик театр ва кино актёрлиги мактабининг асоси.				2		2			

3.	Драматик театр ва кино актёрлиги маҳорати унсурларидан тўғри фойдаланиш				2		
	Жами:	10	8	4	4		2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу: Актёрлик санъати асослари фанини ўқитиш модернизациялари.
(2 соат маъруза)**

Режа:

1. Машғулотларнинг самарадорлигини ошириш омиллари.
2. Инновацион технология ва услублардан фойдаланиш.
3. Фанни ўргатишда замонавий техникалардан фойдаланиш.

Хатти - ҳаракат таҳлили услуби - бир турдаги санъат тимсолларини мутлок фарқ қиласиган бошқа санъат тури тимсолларига ўтқазишида. Яъни, адабиёт, драматургияда яратилган тимсолларни сахнавий ижод жараёнига ўтказабилишлик. Хатти - ҳаракат таҳлили услубининг адабий таҳлилдан фарқи шундадир.

**2-мавзу: Замонавий талабдаги машғулотларни яратиш ва олиб бориш.
(2 соат маъруза)**

Режа:

1. Ижрони спектакл муҳитига буйсундириши.
2. Берилган драматик асарнинг таҳлили. Етакчи хатти ҳаракат.
3. Актёр ижодига содда ижтимоий ҳаракатнинг аҳамияти. Сахнавий воқеълик тизимини аниқлаш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

3-мавзу: Машқлар ва этюдлар драматик театр ва кино актёрлиги мактабининг асоси. Роль устида ишлаш (амалий машғулот- 2 соат)

Режа:

1. Кечинма ва тақлидий санъатнинг фарқи.
2. Спектаклдаги пластик ҳаракатлар.
3. Спектаклдаги психологик жараён ва унинг босқичлари.

Мавзуга ойдинлик киритиш учун К.С.Станиславский меросига мурожаат қиласиз. Театр реформаторисаҳна асарининг хатти-ҳаракат таҳлилига жуда

кatta эътибор қаратади. У, саҳна асарини ҳаракат жараёнидаги парча ва ва майдада қисмларга ажратар, ҳар бир қисм зиммасидаги вазифани белгилар, кейинчалик уларни йириклиштиришга ундаиди.

Тингловчилар томонидан назарий билимларни ўзлаштириш, ҳамда амалий қўнималарга эга бўлиш жараёнида “Брейнсторминг”, “Кластер”, “Ақлий хужум”**каби** илгор педагогик технологияларни қўллаш тавсия этилади.

4-мавзу: Драматик театр ва кино актёрлиги маҳорати унсурларидан тўғри фойдаланиш. (амалий машғулот- 2 соат)
Режа

1. Образ устида ишлаш. Образ устида ишлашнинг ички ва ташқи жараёни, олий мақсад, саҳнавий муносабат ва актёрнинг ижтимоий руҳий ҳаракати.
2. Актёрнинг образ устида ишлаши. Ижрони спектакл мухитига буйсундириши.
3. Актёрнинг роль устида мустақил ишлаши.

Калит сўзлар:

Актёр	– драма, опера, балет, қўғирчоқтеатри, тсиরк, театр, кино, радио (инсценировка, постановка, монтаж) вателевидение дароллари жроэтувчиҳас, артист.
Актёрлик маҳорати	– бошқа давр ва мухитдаги образни актёрнинг ўз руҳий-жисмоний аппарати орқали жонлантириш қобилияти.
Антракт	– 1. Спектакль пардалари, концерт ва тсирк томошаларининг бўлимлари орасидаги танаффус. 2. Театрда иккинчи ва ундан кейинги пардалар бошланиши олдидан чалинадиган мусиқали муқаддима.
Афиша	– спектакллар, концертлар ва бошқа адабий тадбирлар, томошалар тўғрисида хабар берувчи, қўзга кўринарли жойларга ёпиштирилган маҳсус эълон.
Бутафория	– театр спектаклларида ҳақиқий нарсалар ўрнида қулланиладиган, спектакль характеристи ва саҳна талаблари, имкониятларидан келиб чиқиб ясалган мебель, безаклар, костюм деталлари, турли идишлар ва ш.к.лар.
Бутафор	– турли бутафория буюмларини тайёрловчи саҳна ишчиси.
Грим	– актёр қиёфасини, айниқса, юзини ўйналадиган ролга мос қилиб маҳсус бўёқ, ясама соч-соқол, пластик массалар ва ш.к.лар воситасида ўзгартириш санъати, шунингдек, ана шу

	воситаларнинг жами.
Декорация	<ul style="list-style-type: none"> — саҳнада кўрсатилаётган воқеа ўрнини акс эттиришга, спектаклнинг ғоявий маъносини очишга хизмат қилувчи сунъий манзара, бадиий жиҳоз. Декорация ранг-тасвир, графика архитектура, саҳна техникаси, кинопроекция ва шу кабиларнинг тасвирий воситалари ёрдамида яратилади.
Дикция	<ul style="list-style-type: none"> — нутқда ва куйлашда сўз ва товушларни аниқ, равshan талафуз қилиш.
Динамика	<ul style="list-style-type: none"> — Обилие движения, действия
Драма	<ul style="list-style-type: none"> — 1. Муаллиф нутқисиз, яни диолог шаклида ёзилган ва саҳнада ижро этиш учун мўлжалланган бадиий адабиётнинг лирика ва эпос қаторидаги бир тури. 2. Тор маънода – драматик адабиётнинг бир қисми, трагедиядан ҳаёт ҳодисаларининг ўртачароқ ўткирликда тасвирловчи билан, комедиядан эса ҳаёт ҳодисаларини кулги орқали эмас, балки жиддий тасвирилаш билан фарқ қиласди.
Драматургия	<ul style="list-style-type: none"> — 1. Драматик асарлар мажмуаси. Масалан Ҳамза драматургияси, 50-йиллар драматургияси. 2. Драматик асар тузилиши ҳақидаги назарий.
Дублёр	<ul style="list-style-type: none"> — 1. Мусиқа ва театрда - спектакль (опера, балет, драма, комедия ва ш.к.)ларда муайян ролни навбат билан ижро этувчи икки ашулачи, раққос, актёрдан бири. 2. Кинода-фильмнинг матнини дубляж қилганда овоз берувчи актёр.
Дубляж	<ul style="list-style-type: none"> — овозли фильмнинг сўз қисмини бошқа тилга таржима қилиш ва фильмнинг шундай варианти.
Интермедия	<ul style="list-style-type: none"> — 1. Қадимги драма ва опера спектаклларида танаффус пайтида, шунингдек, ҳозирда концерт номерлари орасида ижро этиладиган комик характердаги кичик саҳна асари. 2. Мусиқада фуганинг икки мавзу орасидаги қисм.
Кадр	<ul style="list-style-type: none"> — 1) фотографический кадр — единичное изображение объекта съёмки на фотоплёнке или фотобумаге. 2) Кинокадр — снимок на киноплёнке, фиксирующий одну из фаз движения или статическое положения объектов съёмки. 3) Монтажний кадр — составная часть фильма, содержащая какой-либо момент действий. 4) Сценарий кадр (в постановочном или режиссёрском сценарии) — изложение содержания и подробное описание снимаемого действий. 5) Телевизионний кадр — изображение, получаемое на экране кинескопа в результате одного полного цикла телевизионной

	развёртки.
Колорит	<ul style="list-style-type: none"> – КОЛОРИТ (итальянское солорито, от латинского солор - свет), в произведениях изобразительного искусства система соотношений световых тонов. В каждом конкретном произведении колорит образуется сложным и неповторимым взаимодействием красок, согласующихся по законам гармонии, дополнения и контраста, и является одним из важнейших средств эмоциональной выразительности. Может быть теплым, холодным, ярким, блеклым и т.д.
Комедия	<ul style="list-style-type: none"> – ижтимоий ҳаётдаги нұқсанларни, кишилардаги ярамас хусусиятларини күлгі воситаси билан фош этувчи қувноқ, хушчақчақ характердаги драматик асар.
Композиция	<ul style="list-style-type: none"> – Строение, соотношение и взаимное расположение частей
Концерт	<ul style="list-style-type: none"> – 1. Олдиндан тузилган муайян дастур асосида санъаткорларнинг сахнага (шунингдек, радио ва телевидениеда) чиқиши. 2. Бир, баъзан икки-уч асбоб ва оркестр учун ёзилган, одатда виртуоз характердаги мусиқа асари.
Корфармон	<ul style="list-style-type: none"> – 1. Ўзбек қўғирчоқ театрининг турларидан бири бўлган қўл қўғирчоқ томошаларидан бири. 2. Иш бошқарувчи. Режиссёр. Сахналаштириш ишлари бошқарувчиси. Унинг фикр ва талқини орқали асар сахналаштирилади ва томошабинга тақдим этилади.
Кульминация	<ul style="list-style-type: none"> – бирор воқеа ёки ҳодиса ривожланишидаги энг юқори нуқта, авжига чиқиши.
Мизансцена	<ul style="list-style-type: none"> – французча- сахнадаги жойлашув. Пьесадаги конфлексларнинг пластик ҳаракатга кўчирилиши, актёрларнинг маълум вақтда сахнадаги хатти-ҳаракати ва жойлашуви.
Метафора	<ul style="list-style-type: none"> – истиора, сўз ёки иборанинг кўчма маънода ишлатилиши ва шундай маънода ишлатилган сўз, ибора.
Монолог	<ul style="list-style-type: none"> – драматик ва бошқа асарлар иштирокчисининг сухбатдошига, ўзига, баъзан томошабинларга қарата айтган сўзи, нутқи.
Монтаж	<ul style="list-style-type: none"> – МОНТАЖ (французское монтаже - подем, установка, сборка) (кино), творческий и технический процесс в создании кинофильма, следующий после проведения съемок. Включает отбор отснятых фрагментов в соответствии со сценарием и режиссерским замыслом, склейку отделных фрагментов в единое целое, перезапись фонограмм и др

- Мусиқа**
- 1. Эмоционал-гоявий мазмунни овоздаги бадий образлар орқали ифодаловчи санъат тури. Масалан Вокал мусиқа, симфоник мусиқа. 2. Шу санъатнинг чолғу билан ижро этиладиган тугал асари, куй. Масалан: ашула мусиқаси.
- Мусиқали театр**
- сахна хатти- ҳаракати ва мусиқали уйғунлиги асосига қурилган қўшиқ ва рақс элементлари иштирок этган (опера, балет, оперетта, мюзикл) театр.
- Муқаддима**
- адабий-бадий, илмий, мусиқа ва ш.к. асарларнинг бошланиши, кириш қисми.
- Наезд**
- Тасвирга тушириш обьектига нисбатан камера фокус масофасининг яқинлаштирилиши
- Образ**
- сеобщая категория художественного творчества, форма истолкования и освоения мира с позитсии определённого эстетического идеала путём создания эстетически воздействующих объектов. Также любое явление, творчески воссозданное в художественном произведении.
- Отезд**
- Тасвирга тушириш обьектига нисбатан камера фокус масофасининг узоқлаштирилиши
- Олий мақсад**
- режиссёрнинг, нега айнан шу пессани сахналаштираётгани, унинг ёрдамида нима демоқчилиги, томошабинда қандай фикр ва туйгулар уйғотиши кераклигини аниқлаш маҳсули.
- Оммавий сахна**
- пьеса давомида оломон, халқ, омма кабиларни акс эттирувчи, иштирокчиларнинг сони кўп бўлган сахна кўриниши.
- Пантомима**
- театр томошаларининг бир тури бўлиб, унда бадий образ сўзсиз, мимика, имо-ишоралар, гавдани ҳар мақомга солиш орқали яратилади.
- Панорама**
- Камера орқали икки нуқта орасида мавжуд кўринишларни узлуксиз тасвирга тушириш
- Парда**
- 1. Театрда сахна жиҳози ёки спектакль безаги. 2. Драматик асар, спектаклнинг бўлими (акт). 3. Торли мусиқа асбоблари дастасига боғланадиган тўсиқ бўғинлар.
- Пародия**
- адабиёт, мусиқа ва тасвирий санъатда бирор санъаткор ижоди ёки айрим асарнинг услубига тақлид қилиш йўли билан танқидий рухда яратилган асар.
- Партер**
- театр ва концерт залларининг сахнага нисбатан пастроқда

- жойлашган, томошабинлар ўтирадиган қисми.
- Пауза** – 1. Куй, ашула орасида узилиш, ўхшаш ва унинг нотадаги белгиси. 2. Нутқдаги танаффус, интонация элементларидан бири.
- Пластика** – балет, рақс, бадиий гимнастикада киши танасининг нафис ҳаракатлари, нафис ҳаракат санъати.
- Пролог** – 1. Адабий асарларда муқаддиманинг бир тури. 2. Театрда спектакль бошланиши олдидан ижро этиладиган кўриниш, саҳна. 3. Мусиқада кантата, ораторияларнинг кириш қисми.
- Пьеса** – 1. Театрда қўйиш учун мўлжалланган драматик асар. 2. Якканавоз созанда ёки чолғучилар ансамбли учун ёзилган кичик мусиқа асари.
- Режиссёр** – корфармон. Театр ва кинода драматик ёки мусиқали асарларни саҳналаштирувчи ҳамда фильмни суратга олиш жараёнини бошқарувчи.
- Режиссёр ёрдамчиси** – саҳналаштирувчи режиссёрнинг ташкилий ва техник томондан ёрдамчиси.
- Режиссура** – ижодий ва амалий иш жараёни.
- Реквизит** – театр томошаларида ёки кинофильм суратга олинаётганда фойдаланиладиган, спектакль давомида саҳнада бўладиган, актёрлар олиб чиқадиган буюмлар.
- Ремарка** – драматик асар матнида муаллиф томонидан бериладиган турли изохлар.
- Репертуар** – 1. Театр, концерт, эстрада ва ш.к.да ижро этиладиган асарлар мажмуи. 2. Бирор санъаткор ижро этадиган роллар, мусиқа асарлари ва бошқалар мажмуи.
- Репетиция** – театр, тсиরқ, мусиқа ва ш.к. томошаларни оммага кўрсатиш олдидан синаб кўриш, машқ қилиш, тайёрлаш жараёни.
- Репортаж** – материал с места событий
- Асосий (генерал) репетиция** – томошабинга тақдим этилишдан олдин тайёр томошадай кўриладиган энг сўнгги репетитсиЙ.
- Ритм** – Равномерное чередование каких нибудь элементов, моментов (ускорения и замедления, напряжения и ослабления в движении или течении чего нибудь).
- Рол** – актёр томонидан саҳнада, экранда ижро этиладиган бадиий образ.
- Саҳна** – 1. Театр биносининг томошабинга яхши кўринадиган, актёрлар учун қулай бўлган томоша кўрсатиладиган қисми.

	2. Пьеса ва спектакллардан бир кўриниш.
Сахна арлекини	– асосий, антракт пардадан сўнг жойлашган, бутун портални қопловчи, парда билан бир хил матодан ишланган, юқорига осилган парда.
Сахна барабани	– сахна майдонинг айланувчи қисми.
Сахна галереяси	– сахна атрофи деворларида жойлашиб ўзаро энсиз кўприкчалар билан боғланган қурилмалар.
Сахна ёруғлик таъсир воситалари	– сахнада ёруғликнинг ўзгариши орқали ва ёруғлик орқали амалга ошириладиган (ёмғир, қор, туман) таъсир воситалари.
Сахна колосниги	– шифтга яқин жойга ўрнатилган, штанкетларни ушлаб турувчи темир ўқлар.
Сахна кулиси	– сахна ён томони ва чўнтакларини беркитиб турувчи, ўнг ва чап томондан осилган катта-катта тўғри тўртбурчак шаклидаги декорация матолари.
Сахналаштириш	– спектакль, тсирк, эстрада томошалари ва фильм яратишдаги ижодий жараён.
Сахна майдони	– спектаклдаги воқеалар кечадиган, хатти-ҳаракат қилинадиган жой бўлиб сахнанинг 2-қаватидир.
Сахнанинг 1-қавати	– планшет остидаги кенглик, унга планшетдаги люклар орқали тушилади. Унда спектакллар ўтиши учун ёрдам берувчи мослама ва қурилмалар жойлашган.
Сахнанинг 3-қавати	– сахнанинг падугадан шифтгача бўлган қисми.
Сахна нутқи	– театрда бадиий образ яратиш, пьесада ғоя, фикр, ҳиссиётларни томошабинга етказишида асосий ифода воситаларидан бири, шу воситаларни ўргатувчи фан.
Сахна ойнаси	– “П” шаклидаги портал деворидаги, одатда парда билан тўсилган очиқлик.
Сахна плунжери	– сахна барабанининг кўтарилиб тушириладиган қисми.
Сахна супер пардаси	– ўйин пардаси. Асосий пардадан сўнг жойлашади. Одатда спектакль учун маҳсус тайёрланилади ва асосий ғояни тарғиб этади.
Сахна таъсир воситалари	– сахнада томоша вақтида ишлатилиб, унинг томошавийлиги ва ҳаққонийлиги учун хизмат қиласидиган воситалар йиғиндиси.
Сахна техникаси	– сахна қутиси, архитектура қурилиши, ундаги жиҳозлар ва маҳсус айрим спектакллар учун тайёрланадиган техник

	мосламалар.
Саҳна томоша пардаси	<ul style="list-style-type: none"> – саҳна ойнаси бўйини кичрайтиришга хизмат қиладиган, темир ўқса таранг тортилган матодан иборат кўтарилиб тушириладиган парда. Подзор.
Саҳна чўнтағи	<ul style="list-style-type: none"> – карман. Саҳна майдонининг икки четида, декорацияларни қўйиш ва спектакль давомида уларни тез алмаштириш имконини берувчи кенглик.
Саҳна шовқин воситалари	<ul style="list-style-type: none"> – кулислар ортидан театрда узоқ замонлардан бери қўлланилиб келинаётган буюмлар ёрдамида ҳосил қилинадиган овоз ва овоз воситалари (хозирда, кўп ҳолларда мусика ёзувларидан фойдаланилади).
Саҳна штанкети	<ul style="list-style-type: none"> – саҳна кийими, декорациялар ва чироқлар ўрнатиладиган, саҳна майдони бўйлаб чўзилган, колосникларга перпендикуляр ўрнатилган темир ёки тахтадан ясалган кўтариб-тушириладиган мослама.
Символ	<ul style="list-style-type: none"> – (рамз) бирор ғоя, тушунча ва ҳис-туйғуларнинг шартли белгилар, ишора, ёрдамида ифодаланиши (кабутар – тинчлик белгиси).
Софит	<ul style="list-style-type: none"> – саҳнани олд томонидан ва юқоридан ёритишга хизмат қилувчи бир неча ёритқичлардан тузилган осма мослама.
Спектакль	<ul style="list-style-type: none"> – театрнинг ижодий жамоаси томонидан саҳнага қўйилган театр томошаси.
Стол атрофида ўқиши	<ul style="list-style-type: none"> – пьеса устида бошланғич иш бўлиб, унда актёрлар стол атрофида ўтириб ўз образларини овоз орқали яратадилар ва қаҳрамон харakterи ишланади.
Суфлёр	<ul style="list-style-type: none"> – актёрга ролининг сўзларини айтиб бериб турувчи театр ходими.
Сценарий	<ul style="list-style-type: none"> – асар тузилмаси. Маҳаллий далилларга асосланиб ёзилган бўлиб, тўлақонли бадиий асар.
Сценография	<ul style="list-style-type: none"> – Искусство художественного оформления театральной сцены, а также такое оформление.
Сюжет	<ul style="list-style-type: none"> – бадиий асарнинг асосий мазмуни ва ундаги воқеа ёки ўзаро узвий боғланган ва кетма-кет ривожланиб борадиган воқеалар йиғиндиси, тасвирий санъатда тасвир буюми.
Театр	<ul style="list-style-type: none"> – спектакль қўйилиши учун мўлжалланган бино.
Театр костюми	<ul style="list-style-type: none"> – томошабин ва актёрга бўлаётган воқеа ва даврни тушунишга, унинг руҳига сингдиришга ёрдамлашувчи муаллиф ғоясини очиб берувчи кийим, парик ва гринлар.
Театрлашти-	<ul style="list-style-type: none"> – ноанъанавий саҳналарда ўтказиладиган бирор мавзу ёки

рилган оммавий томошалар	санага бағишлиңгән театр элементлари билан бойитилған катта омма иштирок этадиган тадбир.
Темп	<ul style="list-style-type: none"> – 1. Мусиқа асарини ижро этишдеги тезлик даражаси. 2. Ишдеги, ҳаракатдеги суръат, тезлик.
Трагедия	<ul style="list-style-type: none"> – қаҳрамоннинг бирор одамга, тузумга, ҳаётга ёки ўз-ўзига қарши кураши акс этган жисмоний ёки рухий ҳалокати билан якун топувчи фожеавий саҳна асари. Драматургик жанр. Юононча “эчки қўшиғи”.
Трагикомедия	<ul style="list-style-type: none"> – чуқур драматизм ҳарактерларига эга бўлган комик қарама-қаршиликлар асосидаги, ҳам трагедия, ҳам комедия элементларини ўз ичига олган драматик асар.
Фон	<ul style="list-style-type: none"> – основной свет или тон, на котором размешается изображение или текст; част изображения, образующая задний план. Также главная музыка в фильме или в музикальных произведениях
Фонограмма	<ul style="list-style-type: none"> – Диск, плёнка или магнитная лента со звуковой записью.
Хронометраж	<ul style="list-style-type: none"> – Экран асарининг давомийлиги
ҲДТВ	<ul style="list-style-type: none"> – Рақамли Телевидение
Этюд	<ul style="list-style-type: none"> – 1. Тасвирий санъатда бирор нарсанинг ўзига, аслига қараб ишланған, одатда бирор катта асар яратиш учун асос бўлиб хизмат қиласидан дастлабки расм, эскиз ва ш.к. 2. Ижрочилик маҳоратини ошириш учун ёзилған мусиқавий пьеса, виртуоз ҳарактердаги унча катта бўлмаган мусиқавий асар. 3. Театр педагогикасида актёрлик техникасини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун хизмат қилувчи жанр. Ҳаётий ҳақиқат асосида ҳаракатга асосланған, кам сўзли, диологсиз, драматургия компонентларини мужассам этган кичик кўриниш. 4. Унча катта бўлмаган адабий, илмий ёки фалсафий очерк.

МАЪРУЗА МАТНИ

1-мавзу: Актёрлик санъати асослари фанини ўқитиш модернизациялари (2 соат маъруза)

Режа:

1. Машғулотларнинг самарадорлигини ошириш омиллари.
2. Инновацион технология ва услублардан фойдаланиш.

3. Фанни ўргатишда замонавий техникалардан фойдаланиш.

Хатти - ҳаракат таҳлили услуги - бир турдаги санъат тимсолларини мутлоқ фарқ қиласидиган бошқа санъат тури тимсолларига ўтқазишида. Яъни, адабиёт, драматургияда яратилган тимсолларни саҳнавий ижод жараёнига ўтказа билишлик. Хатти - ҳаракат таҳлили услугининг адабий таҳлилдан фарқи шундадир.

К.С.Станиславский системасининг шаклланиши санъат тарихида катта бир даврни ўз ичига олади. У яратган ижод системаси бугунги кун истиқболига таалуқлидир. Унда саҳна санъатининг материалистик асослари ишлаб чиқилган. Станиславский ўзининг «Актёрнинг ўз устида ишлаши» китобида асосий таълим обьекти, тадқиқот предмети қилиб саҳна хатти-ҳаракати ва унинг элементларининг психо - физик табиатини олган ва буларни тўла-тўкис баён этган.

Станиславский ўз системаси билан театрдан бачкана театрни, актёрлик ўйинидан сохталикни, юзакиликни, тақлидчиликни, бачкана қилиқ қилишни кувиб чиқарди, ҳамда мазмундорлик ва ҳаётийликни ўрнатишга уринди. У, ўзининг бутун ҳаётини саҳнада тирик инсон, жонли образ, ҳаётий ҳақиқатнинг тантана қилишига бағишилади.

Саҳнада – кўпчилик олдида ижод қилганда ролни чинакамига ҳис этиш, туйғуни жонли, - ёлғон қилиб кўрсатмай, балки инсонийча, мантиқан, изчиллик билан, мақсадга мувофиқ, унумли хатти-ҳаракат орқали пайдо қилиш Станиславский системасининг асосий моиятини ташкил этади.

Кўп асрлардан бери театр санъатининг буюк арбобларини актёрлик илхоми ўзига тортиб келган. Улар актёрлик санъатига ва илхом масаласига катта эътибор билан қараганлар. К.С.Станиславский ўз системаси билан илхом "илохий" бир ходисадир, у актёрга тўсатдан келиб қолади, унга мунтазам машқлар билан эришиб бўлмайди,-деган назарияни таг-томири билан қўпориб ташлади. У фақатгина актёрнинг органик табиатигина мўжизалар яратади олишини илмий равишда исботлади. Шундай қилиб Константин Сергеевич актёр ижоди, театр санъати хақидаги фанни яратди.

Ҳозирги замон актёрлик ва режиссёрлик санъати, ҳар бир актёрдан, ҳар бир режиссёрдан ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлишини, ўз касбининг энг нозик томонларини мукаммал билиб олишини талаб қиласиди.

Санъат ҳақида содда, тушунарли қилиб ёзмоқ, сўзламоқ керак. Донишмандларга хос гаплар ўқувчини чўчитиб юборади. Бундай сўзлар юракни эмас, фикрни уйғотади. Шу сабабли ижод даврида ақл артист туйғусини ва беихтиёр ижодни босиб кетади, маълумки бизнинг санъатимизда ижод ва туйғуга катта аҳамият берилади.

Аммо мураккаб ижодий процесс ҳақида «садда» қилиб гапириш ва ёзиш кийин. Фоят нозик сезгиларни беихтиёр ижодни ифода қиласи учун сўзларнинг маъноси торлик ва қўполлик қиласиди.

Инсон қалби онгимиз ва иродамизга бўйсуниш қобилиятига хам эга. Мана шу хусусият бизнинг рухий жараёнимизга беихтиёр таъсир кўрсатишга қодирдир. Шуниси ҳам борки, бунга эришиш анча мураккаб ижодий меҳнатни

талаң қилади, бу меҳнат онгимизнинг бир қадар назорати ва бевосита таъсир қилиши натижасида содир бўлади. Бу меҳнат кўпроқ беихтиёр ва иродамиздан холи равишда бўлади. Бу иш моҳир, юксак истеъдодли, энг нозик, мураккаб, сергак санъаткор бўлган органик табиатимиз қўлидан келади, холос. Энг мукаммал актёрик техникаси ҳам, китобий билим ам бу билан тенглаша олмайди. Артистлик табиатимизга бу каби муносабатда бўлиш ва бу хилда қараш, кечинма санъат қонунидир. Борди-ю, табиатимиз инжиқлик қилиб қолсанчи? Унда уни қўзғатиш ва йўлга сола билиш керак. Бунинг учун психотехниканинг алоҳида усуллари бор. Бу усулларнинг асосий вазифаси беихтиёр ижодни онг ва бошқа воситалар ёрдами билан қўзғотиш ва уни ижодий жараёнга йўллашдан иборатdir.

«Актёрнинг онгли психотехникаси ёрдамида беихтиёр ижодга ўтиши», яъни онг натижасида беихтиёр ижодга, иродамиз орқали ихтиёrsиз ҳатти-харакатга ўтиш деган принцип кечинма санъатининг асосларидан бири бўлиши ҳам бежиз эмас. Беихтиёр ижодни сергар табиатимизга топширайлик-да, қўлимидан келадигани-ижод қилишнинг онгли йўлларига ва психотехниканинг онгли усулларига мурожаат қиласлик. Улар бизни ҳаммадан бурун беихтиёр ижод бошланганида унга ҳалақит бермасликка ўргатади. Агар артист ўзини саҳнада ўраб олган шароит табиий ва нормал ҳолда, ҳатто жуда оддий шаклда, инсон табиатининг барча қонунлари асосида содир бўлаётганини англай олса ва буни тўла ҳис этса, шундагина у беихтиёр ижоднинг чуқур сир-саноатларини аста-секин тушуниб олади. Бизга нотаниш бўлган туйғулар ҳам шундан чиқиб келади. Улар бизни қисқа муддат ичида ёки аллавақтгача чулғаб оладиларда, қалбимиз буйруқ қилган томонга етаклаб кетади. Унинг бошқарувчи кучларини билмаганимиз ва ўрганолмаганимиз учун уни, актёр тили билан айтганда «табиат» деб атай қоламиз. Бироқ тўғри давом этувчи органик аётимизни буздикми, саҳнада нотўғри ижод қила бошладикми, шу ондаёқ инжиқ беихтиёр ижод зўравонликдан қўрқиб, яна ўзининг бехавотир сирхонасига бекиниб олади. Бундай ҳолат юз бермаслиги учун, энг муҳими, самимият билан тўғри ижод қилмоқ керак. Шундай қилиб, беихтиёр_ижодни уйғотиш, илҳомнинг жўш уриши учун артистнинг ички ҳаётида реализм, ҳатто натурализм ҳам зарурдир.

Этюдларни__яратишида онгли ва тўғри ижод талаң қилинади. Бу эсаҳақиқатни яратади, ҳақиқат эса ишонч уйғотади, агар табиатимиз инсон вужудида рўй бераётган аҳволга ишонса, ўзи ҳам ишга киришади. Унинг орқасидан беихтиёр ижод ишга тушиб, илҳом ҳам кела қолади. Актёр ўзига берилган образни катта ишонч билан ҳаққоний ижро этмоғи лозим. Лекин баъзи бирлари биз билган реал инсоний ҳаётни эмас, балки бошқача саҳна учун пардозланган ҳаётни яратадилар. Мана шунинг учун ҳам тақлидий санъатга мансуб бўлган артистлар ролни, фақат ишнинг бошланиш пайтида, репетиция даврида тўғри, инсонга хос қилиб бошдан кечирадилар, кейин саҳнада, ижод қилиш пайтида аввалдан белгилаб қўйилган шартли кечинмага ўтадилар. Буни оқлаш учун шундай баҳоналарни ҳам топиб қўйишиган: театр ва унинг томошаси шартлидир. Саҳна ҳақиқий ҳаётни гавдалантириш воситалари учун ҳаддан ташқари камбағал, шунинг учун ҳам бу шартли воситалардан қўл силтамай, аксинча, уларни севмоғи лозим.

Бундай ижод гўзал, лекин мазмундор эмас, у кучли бўлишдан кўра кўпроқ жозибадордир; унда мазмунга нисбатан шакл қизикроқдир. Бундай ижод юракка эмас, кўпроқ кўз билан қулоқга таъсир қилади-бинобарин ҳаяжонга солишдан кўра кўпроқ кишини завқлантиради. Тўғри, бу санъат ҳам томошабинда кучли таасурот қолдира олади. Воқеа кўз ўнгингда бўлиб турганида ўзига маҳлиё қилади, ҳатто гўзал хотиралар учун асос ҳам яратади, лекин бундай таасуротлар кўнгилни иситадиган ва унга чукур таъсир қила оладиган таасуротлар бўлмайди. Бундай санъатнинг таъсири ўткир бўлгани билан умри қисқа бўлади. Унга ишонишдан кўра кўпроқ таажжубланасан киши. Шунинг учун бу санъат катта кучга эга эмас. Унинг кучи айратда қолдиришга ва саҳнада ҳамма нарсани чиройлик қилиб кўрсатишгагина етади, холос. Чукур ҳисларни ифодалаш учун эса унинг воситалари ёки ҳаддан ташқари серҳашам ёки ҳаддан ташқари юзакидир, нозик ва чукур инсоний туйғулар техник усувларга бўйсунмайди. Бу сезгилар табиий кечинма ва уни гавлантириш пайтида табиатимиз ёрдамига муҳтождир.

Назорат савол ва топшириқлар:

1. Шакл ва мазмун хақида гапириб беринг.

Тавсия этиладиган қўшимча адабиётлар:

1. К.С.Станиславский “Актёр ўз устида ишлаши”
2. Б. Захава «Мастерство актера и режиссура» Ж. Махмудов таржимаси.

2-МАВЗУ. Замонавий талабдаги машғулотларни яратиш ва олиб бориш меъзонлари. **Машқлар** ва этюдлар драматик театр ва кино актёрлиги мактабининг асоси.

(2 соат маъруза)

Режа:

1. Ижрони спектакл муҳитига буйсундириш.
2. Берилган драматик асарнинг таҳлили. Етакчи ҳатти-ҳаракат
3. Актёр ижодига содда ижтимоий ҳаракатнинг аҳамияти. Саҳнавий воқеълик тизимини аниқлаш.

Спектаклнинг бадиий яхлитлиги «пьеса ва роль устида ишлаш» - методини ўрганиш

1. Актёр ўз устида ишлашда асосан нимага кўпроқ эътибор бермоғи керак?

Ўқув жараёнида актёрлик маҳорати санъатида, оғирлик маркази - «актёрнинг роль устида ишлаши» – деган мавзуга тушади. Бу вақтгача тингловчилар мавзу учун тайёргарлик кўрган бўлиши керак – улар артистлик

техникаси, этюд ва парчалар бўйича тажрибага эга бўлишлари шарт. Спектаклда, ролда қайта гавдаланиши учун бу ишлар уларга қайта кўмакдош бўлади. Қисқа вақт ичида энг мухим вазифа бу - образда хатти – ҳаракат қилишга ўрганишdir. Бу билан бирга «ўз устида ишлаш»-каби ишларни ёддан чиқармаслигимиз керак.

Спектаклни яратади, талабалар «пьеса ва роль устида ишлаш» - методига ўрганадилар. Айрим холларда, актёр пьесани ўқиши биланоқ, пьесани ички моҳиятини англаб, шу образда яшай бошлайди. Аммо кўпинча актёр, янги ролга дуч келганда, санъатнинг бутун қийинчилигини кўради. Қандай қилиб бу холатдан осон чиқиш мумкин? Ишни нимадан бошласа унумли ва мақсадга мувофиқ бўлади? Биринчи навбатда актёр спектакль ёки парча учун олинган пьеса билан яқиндан танишиб олиши керак. Унда нима содир бўлаётганини, авторнинг нияти ёки режасини, пьеса қахрамони ва ундаги воқеага муносабатини, образнинг хис-туйфусини, хатти-ҳаракатини ўзиники қилиб олишини, уларни ўзининг танасига, овозига кўчиришни, қайта гавдаланишда образнинг ташқи формасини ҳам топишни билиш керак.

Театр санъати-коллективдан (оммадан) иборат. Театр иши ташкиллаштирилиши лозим. Бир кишининг ижоди, бошқа кишининг ижодига боғлиқ бўлади. Бундай ишлар спектакль яхлитлигига олиб келади, мақсадга мувофиқ бўлади. Актёр роль устида ишлаганда, тинимсиз изланишда бўлади.

Автор ниятини билиш учун, ролни мухокамаси устида ишлаш, пьесани қайта-қайта ўқиб, англаб олишга ҳаракат қилиш керак. Айрим холларда актёр ижодий органикадан айланиб ўтиб кетади. Фақат натижага тезроқ етиб келиш ниятида, ролнинг ташқи формасига эга бўлади. Яъни образ характерини ташқи томонини, нутқи, интонация, жест, мимикарарни кўрсатади.

Аммо шу жараённинг табиийлигига бу билан эришиб бўлмайди. Бундай холларда актёр, партнёрнинг жонли мулоқатидан маҳрум бўлади. Охир оқибат бу нарса тақлидий санъат тушунчасига олиб келади.

Мезансценаларни, бўлғуси спектаклнинг тайёр постановка ечимини, жанри, ритмини олдиндан ўйлаб қўймоқ хатодир.

Саҳнавий образ яратишда актёр ишини шундай ташкиллаштириш керак-ки, ижодий натижага органикали, бўрттирилмасдан, табиий етилиши керак.

Метод (усул) мана шу вазифага хизмат қилиш керак. Станиславский системасигача, “сиртдан ички томонга” - деган тушунчага санъаткорлар бўйсунар эди. Кейинчалик эса, «ички томондан сиртга» - қараб, яъни ички холатдан хатти – ҳаракатга, ҳамда роль кечинмасидан, унинг қайта гавдаланишига деган тамойилга риоя қилинган ҳолда ишлай бошладилар.

Актёрлар ҳар хил техник усуллар билан ўзларига ички кечинма холатларни яратмоқчи бўлдилар. Роль устида иш, пьесани психологик анализ қилишдан бошланар эди. Яъни, роль моҳиятини, иродали вазифаларни, кайфиятни аниқлаш ишларга эътибор қаратилар эди. Ҳис – туйгулар хотирасига таянган ҳолда, илк кечирган ҳис – туйгуларни уйғотмоқчи бўлар эдилар. Актёрлар физик хатти – ҳаракатга ўтишдан олдин, стол атрофида ўтириб, ролга киришга, унинг маънавий мазмунини эгаллашга ҳаракат қилар эдилар. Аммо, бу қилинаётган ишлар хато эканлигини, оқибатда тушуниб етдилар. Аввал қатнашувчининг психологиясига, кайфият ва ҳис – туйғунларига эришиш, стол атрофида ролни

англаң олиш ва кечинмага эришиш, ундан кейин хатти – ҳаракатда гавдаланиш актёр ишининг энг яхши «ишлаш усули» - деб айтиб бўлмайди. Актёр онгини кўп, керак эмас вазифалар билан тўлдириш шарт эмас. Стол атрофида «кечинма» ларга ўрганиб қолган актёр, саҳнада ҳам фаол хатти – ҳаракат қилиш ўрнига «кечинма» ни қайта кўрсатишга ҳаракат қиласиди. Оқибатда янги ташқи «штамп» яъни қолип, ишонарли даражадаги «кечинма» туғилади.

Ҳаётда психик жараён ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бизни ўраб турган атроф мухитдаги реал воқеалар келиб чиқкан ҳолда сезги органимиз ишга тушади.

Ундан чиқди – актёрнинг саҳнадаги ҳар бир қадами органик (жонли) бўлиши учун, биринчи навбатда, ўша физик жараёндаги қабул қилиш ва таъсири қилиш кучларини ўрнатишимиш керак. Уларнинг таъсирида бизнинг ички дунёмиз юзага чиқади ва шаклланади. Ўқув жараёнидаги пьеса устида иш, театрлар спектакль постановкасидан катта фарқ қиласиди. Ўқув жараёни ўз олдига бошқачароқ мақсад қўяди ва бошқача ташкиллаштирилади. Актёри қизиқтириш учун, ижодий вазифасини тушуниши учун турли усуллар қўлланилади. Олинган асар ғояси саёз бўлмаслиги, образлар психологияси эски сарқит бўлмаслиги керак. Метод (усул) ва системани «тушундим» - деб йиғишириб қўйган одам хато қиласиди. Метод ва система доим бизга керак. Қийин вақтларда, саволга жавоб топаолмайдиган пайтларда, асарнинг моиятини чуқур тушуниб етаолмаганимизда – хуллас ҳар доим, муентазам равишда метод ва системага мурожат қиласиз.

Мана шундай талабларга одатда, классик драматургиялар жавоб беради. Калассикадан ўтгандан сўнг, талабалар замонавий пьесалар устида ишлаш учун шайланиши, қуролланиши мумкин ва шундай пайтларда уларнинг диплом спектаклари ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Ижодий жараённи ўтиб, спектакль устида ишлашга киришганда шошилмаслик ва қўрқмаслик лозим. З – курс охирида диплом спектакль тайёр бўлмаса – бу фожеа эмас имтихонга спектакльдан алоҳида актларини ва саҳналарни олиб чиқиш мумкин.

Асосий саволлар:

1. Метод (усул) қандай вазифаларга хизмат қиласиди?
2. Ўқув жараёнидаги калассик драматургия устида ишлаш сабаби?

Тавсия этиладиган қўшимча адабиётлар:

1. Г. Кристи. «Воспитание актёра в школе Станиславского» З.Ахмедова таржимаси.

3-МАВЗУ. Драматик театр ва кино актёрлиги маҳорати унсурларидан тўғри фойдаланиш (амалий машғулот- 2 соат)

Режа:

1. Образ устида ишлаш. Образ устида ишлашнинг ички ва ташқи жараёни, олий мақсад, саҳнавий муносабат ва актёрнинг ижтимоий руҳий ҳаракати.
2. Актёрнинг образ устида ишлаши. Ижрони спектакл муҳитига буйсундириши.
3. Актёрнинг роль устида мустақил ишлаши.

Пьесани англаб етиш жараёни Станиславский, ер остидаги қазилма бойликга аста-секин етиб бориш мисоли билан тенглаштиради. Аввалига ўсимлик дунёсининг устки қисми олинади, кейин ҳар хил, кўзга кўринмайдиган заминнинг геологик қатлами бўлади. Шундай қилиб инсон аста ер қобиғининг ичига кириб боради ва уни қурилишини англай бошлайди. Ер остининг марказида қайнаётган оловни (массани), Станиславский ҳамма ҳам етишолмайдиган ижодий онгнинг майдонига ўхшатади. Энг юқориги, кўринадиган ва сезиладиган қатлам бу - фабула¹, факт² -пьесанинг ташқи воқеаси. Фақат шулар драматик асарнинг объектив асосини ташкил этади. Мана шуларни биринчи навбатда баҳолаш ва аниқлаш керак. Трагедияни талил қилганда энг муҳими – «ҳодисалар таркибини» аниқлаш керак- кейин эса, бошқасини, яъни фикрни сўз орқали, характер, саҳнавий шарт-шароитни – деб айтган эди Аристотель.

Ҳодисалар таркибини аниқ баҳолаш кейинчалик саҳнавий воқеани, хатти-харакат қилаётган шахсни характерини аниқлашда ёрдам беради. «Ташқи воқеаларни ўрганиш вақтида фактларни туғдириш билан бирга, пьесанинг берилган шарт-шароитига дуч келамиз. Уларни ўрганаётшиб, уларга дахлдор ички сабабларни англаймиз. Шундай қилиб, ҳаётнинг ва инсон руҳиятининг энг чуқур маъносини кўрамиз, подтекстга яқинлашамиз ва пьесанинг сув ости оқими тизимиға тушиб қоламиз» – деган эди Станиславский. Пьеса устида биринчи бор ишлагандага қисқача унинг мазмунини баён қилиб беришдан бошланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Иложи борича кетма-кет воқеа ва фактларни аниқ баён этиши хақида актёрга аниқ вазифа берилади. Аввалига фактларни ғоявий оқлаш, эмоционал хотира ва ғояни психологик томонини очиш ва ўзининг ҳаёлий тўқималари деган тушунчаларни четта суриб туриш зарур.

Мисол қилиб; «Ромео ва Джульєтта» трагедиясининг саҳнавий фактлардан келиб чиқсан биринчи воқеага мурожаат қиласиз.

- 1.Капулеттилар оиласига қарашли 2 та хизматкор уйдан чиқди.
- 2.Олдиларидан Монтекки оиласига мансуб хизматкорлар ўтиб қолди.
- 3.Капулетти хизматкорлари уларни масхара қила бошлайди.
- 4.Аввалига жанжал бошланиб, кейин уришиб кетадилар.

¹ Фабула – адабий асар сюжетининг схемаси

² факт - Ҳақиқатдан содир бўлган иш

- 5.Бенволио келиб, уларни ажратишга ҳаракат қилади.
- 6.Бенволио олдига Тибалт келиб у билан уришиб кетади.
- 7.Йўловчилар урушга қўшилади.
- 8.Шовқинни эшитган Монтекки ва Капулетти оиласарига мансуб одамлар чиқиб, урушга қўшилади.
- 9.Оила бошлиқлари - қиличини яланғочлайди. Хотинлари уларни ушлаб қолишга ҳаракат қилади.
- 10.Уруш чўққисида герцог пайдо бўлади. У зўр уринишлар билан уришаётганларни ажратишга, тартиб ўрнатишга ҳаракат қилади.
- 11.Герцог ўлим жазоси билан уларни қўрқитиб, пўписа қилади.

Барча ҳисобланган фактлар битта воқеа моҳиятини ўз ичига олади: герцог томонидан бостирилган, кўчадаги икки оила низоси. Агар бутун пьеса бўйлаб шундай борилса, фақат ташқи томонидан олинган, «пьеса ҳаётининг баённомаси»ни топган бўламиз. Аммо хатти-ҳаракатли талилни бошлаш учун, шунинг ўзини топганимиз ҳам яхши. Шуниси муҳим-ки, биринчи бор аникланган саҳнавий воқеа бўлаётган ходисаларнинг ички томонини очаётгани йўқ. Фақат кўзга кўринган, ташқи томонини очмокда. Вақти келиб, актёрнинг ижодида гавдаланадиган, яширинган руҳий мазмун пайдо бўлади. «Инсон рухияти ҳаётига» киришдан олдин, образ яратилаётган «инсон танаси ҳаёти»ни эгаллаш зарур. (органик жараённинг барча тафсилотларига риоя қилган олда.)

Назорат савол ва топшириқлари.

1. Биринчи тахлил хақида баён этинг.
2. Пьеса ҳаётининг баённомаси.

Тавсия этилдиган қўшимча адабиётлар.

- 1.К.С. Станиславский «Актёр ўз устида ишлаши».
- 2.Г.Кристи «Воспитание актёра в школе Станиславского». З.Ахмедова таржимаси.
3. Авдеева Л. “Аброр Ҳидоятов”, Тошкент, 1960 й.

Интернет сайтлари

1. admin@gitis.net
2. pavlova@gitis.net
3. www.gov.uz
4. www.uza.uz
5. www.ziyonet.uz
6. www.infocom.uz
7. www.uzreport.com
8. www.uzbekkino.uz
9. www.cinema.uz
10. www.kino-teatr.ru

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1	Мусиқали театр актёрлиги маҳорати элементлари қайсилар?	A) Кўриш, эшитиш, қабул қилиш, баҳо бериш, хис қилиш	B) Харакат қилиш, ритм, темпо ритм	C) Саҳнавий қарама-қаршилик, воқеалар кетмакетлиги	D) Хамма жавоб тўғри
2	Этюд нима?	A) Ҳаётий ҳақиқатга асосланган бадиий ҳақиқат	B) Саҳнавий кўриниш	C) Қарама-қаршилик асосида курилган воқеа	D) Юқоридагиларнинг барчаси
3	Дикқат учун машқларга нималар киради?	A) Ария куйлаш	B) Тасаввурдаги буюмлар билан ишлаш	C) Мушакларни бўшатиш машқлари	D) Қарсак машқлари
4	Образ нимани ифода этади?	A) Фикр ва ғояни	B) Хаяжон ва эхтиросни	C) Хис ва туйгуни	D) Характерни
5	Бадиий образнинг таркибий кисмларини аникланг.	A) Жараён, фикр, хис-хаяжон	B) Фикр ва ғоя, бадиий тўқима, хаётий ҳақиқат, саҳнавий уйғунлик	C) Қарама-қаршилик, ғоя, хаяжон	D) Берилган шартшароит, қарама-қаршилик
6	Санъат нимани бадиий образлар оркали ифода этади?	A) Тасаввурни	B) Хистайғуни	C) Борлиқни	D) Ғояни
7	Асар мавзуси деганда нима тушинилади?	A) Муаммо	B) Қарама-қаршилик	C) Ғоя	D) Қаҳрамонлар тақдири
8	Мусиқа сўзи нимани англатади?	A) Фан	B) Товуш	C) Асар	D) Нота
9	Мусиқали спектаклларни саҳналаштириш жараёнида кимнинг роли кучли?	A) Режиссёрнинг	B) Дирижёрнинг	C) Куйловчи актёрнинг	D) Хамма изжочиларнинг
10	Мусиқали спектаклда куйлаётган актёр ички фикрни, эмоционал хатти-харакатнинг асосини	A) Мусиқадан	B) Хатти-харакатдан	C) Туйғудан	D) Асар матнидан

	каердан олади?				
11	Актёрлик санъатида хистуйғуларга эришишнинг энг яқин йўли нима?	A) Муносабат	B) Хисхаяжон	C) Темпо-ритм	D) Баҳолаш
12	Мусиқа ва драманинг бирикиб, яхлит асарга айланишига асос нима?	A) Куйлашнинг хатти-харакатлилиги ва хатти-харакатнинг мусиқийлиги	B) Асарнинг клавири	C) Хатти-харакатнинг хакконийлиги	D) Воқеаларнинг мусиқийлиги
13	Мусиқий спектаклда куйлаш нима?	A) Мусиқийлик	B) Овоз	C) Табиий психофизик хатти-харакат	D) Овоз тембрларининг ўзгарувчанлиги
14	«Тенор» сўзи каерда пайдо бўлган?	A) Италияда	B) Ўзбекистон	C) Германияда	D) Озарбайжонда
15	«Алтъ» сўзи нимани билдиради?	A) Торли услугуб	B) Зарб услуги	C) Овоз диапозонини	D) Нота узунлигини
16	Мусиқали театр асосини асосан нима ташкил қиласи?	A) Хатти-харакат	B) Тасаввур	C) Темпо – ритм	D) Мусиқий хатти-харакат
17	Воқеа маъноси нима?	A) Қарама-каршилик асосида курилган хатти-харакат	B) Мақсадни амалга ошириш жараёнида берилган шарт-шароит билан тўкнашиш натижасида туғиладиган хатти-харакат	C) Хаётий ҳақиқатга асосланган бадиий ҳақиқат	D) Сахнадаги кўринишлар
18	Буюмларни жонлаштириш машқларининг асосий вазифаси нима?	A) Бадийхани оширади	B) Сахнада ёлғизликни хис қилишга ўргатади	C) Пластикани ривожлантиради	D) Ҳамма жавоб тўғри
19	«Майсарапанинг иши» мусиқали драмасини кайси композитор ёзган?	A) Фарход Олимов	B) Сулаймон Юдаков	C) Мутал Бурхонов	D) Манас Левиев

20	Бадиий парчаларнинг мусиқий ечими нимага хизмат қилади?	A) Мусиқий безакка	B) Вокеанинг узлуксизлиги ва якунланишига	C) Асар жанрини аниклашга	D) Қарама-каршиликлар ривожига
21	Берилган шарт-шароит нима учун керак?	A) Характерни очиш учун	B) Асарғоясини ёритиш учун	C) Тўғри хатти-харакат қилиш учун	D) Саҳнада атмосфера яратиш учун
22	Ўзбек мусиқали драмаларини аникланг?	A) «Тошболта ошик», «Чимилдиқ»	B) «Халима», «Хижрон»	C) «Халима», «Нурхон»	D) “Келинлар кўзғалони”, “Парвона”
23	Асарнинг ечими нима?	A) Бош воқеа	B) Финал воқеаси	C) Кульминацион воқеа	D) Кириш воқеа
24	Ўзбекистон Республикасиниң давлат гимни мўаллифи?	A) М.Ашрафий	B) М.Бурхонов	C) С.Жалил	D) Д. Зокиров
25	Ария каерда пайдо бўлган?	A) Италияда	B) Францияда	C) Англияда	D) Озарбайжонда
26	Жанрнинг учта асосий йўналишини топинг?	A) Камедия, трагек-комедия, трагедия	B) Драма, комедия, трагедия	C) Комедия, мусиқий драма, мюзкл	D) Опера, мусиқий драма, мюзкл
27	«Мусиқали драма» каерда пайдо булган?	A) Озарбайжон, Ўзбекистон	B) Озарбайжон Украина	C) Россия Ўзбекистон.	D) Италия, Франция
28	Мусиқали эшитиш нимани ривожлантиради?	A) Овозни	B) Ритмик эшитишни	C) Овоз дияпазонини D) Мусиқий хатти-харакатни	B) Ритмик эшитишни
29	Мусиқали кобилиятни ривожлантиришга нима хизмат килади?	A) Мусиқали ритмик тарбия	B) Овоз устида ишлаш	C) Мусиқий пластика	D) Мушакларни бўшатиш
30	Мусиқий театрда ижоднинг негизи нима?	A) Овоз имконияти	B) Ритм	C) Куйлаш	D) Мусиқий асар